O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 1 август, шанба • № 60 (11.043) • Эркин нархда сотилади

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "УМИД" ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор "Умид" жамғармасининг йўлланмасини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, энг самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман. Халқимиз орзу-умидларининг қаноти, бошлаган улуғ ишларимизнинг давомчилари, менинг таянчим бўлмиш ёшларнинг яна бир катта гуруҳи жаҳоннинг манаман деган билим даргоҳларига йўл олмоқдалар. Бунга сиз тинимсиз ва оқилона меҳнатингиз, юксак марралар сари ҳаракатингиз, янгиликка интилувчанлигингиз, олий мақсадларимиз йўлида хизматга отланганингиз орқали муяссар бўлдингиз.

Аминманки, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония каби илғор мамлакатларнинг обрўли ўқув юртларида таҳсил олиш, ўз билимларини янада чархлаш ниятида ёнаётган Сиз ёшлар миллатимиз салоҳияти, заковати ва ғурурини ҳар жой ва ҳар қандай шароитда намоён қилишга қодирсизлар. Зеро, сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб, замонамизнинг энг олди ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил.

Билингки, сизни Ватан кутади. Оқ сут бериб, эзгу умидлар билан вояга етказган ота-онангиз, ҳавас билан боқаётган ёру биродарларингиз, бир сўз билан айтганда, бутун эл-юртимизнинг интиқ бағри сизга доимо очиқдир.

Барчангизга оқ йўл тилайман, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 1998 ЙИЛ 29 АВГУСТ ШАНБАДАН 31 АВГУСТ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш куни 1998 йил 29 август шанбадан 31 август душанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ХАЛҚИМИЗ ўз мустақиллигининг етти йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Етти йил... Аслида тарих олдида бир лаҳзалик фурсат. Лекин, ана шу етти йил биз учун ниҳоятда залворли ва қадрли давр бўлди. Еттинчи йилнинг биз учун ўзгача аҳамияти бор. Гап шундаки, 7 рақами азал-азалдан бизда ҳосиятли ҳисобланади. Ўтган етти баҳор, етти ёз, етти кузнинг айримлар сезиб, сезмаган яна бир алоҳида жиҳати бор. Бундан етти йил муқаддам туғилган болалар бу йил мактабга борадилар...

Бу жуда катта воқеа. Чунки, мактаб остонасига илк бор том маънода мустақил юрт, мустақил Ватан, мустақил Ўзбекистонда ҳур туғилган фарзандларимиз қадам қўядилар. Демак, мустақиллик, истиқлол мактабга боради. Тошкент вилоятининг ўзидагина уларнинг сафи 57 мингдан зиёд. Республикамизда эса улар жуда-жуда кўп. Ҳали бу келажак ворислари нафақат бизнинг ишимизни давом эттирибгина қолмай, балки, пойдевори мустаҳкам Ўзбекистоннинг довруғини, обрў-эътиборини шундай баланд кўтарадилар-ки, буни тасаввур этишнинг ўзи қалбларни энтиктиради... Иншооллоҳ, шундай бўлсин...

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ! Сен туғилдингу мунаввар кўнгилларда ифтихор туйғуси ортди. Кўзларимизнинг туб-тубларида яширинган ётган севинч ёшлари ҳалқаланди. Ўзбекистонимиз мустақиллиги ҳақидаги Қонун ғуруримиз, фахримиз, ҳур фикримиз дебочаси бўлиб, сенинг номингни тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар ила битиб қўйди. Сен дунёга келганингда асрлар ошқарамликдан, истибдоддан чиқолмай, фақат, сенга интиқ бўлган инсонларнинг юзлари ёруғ, кўнгиллари масрур бўлди. Дилда ўкинч, кўнгилда армон билан шаҳид кетган ота-боболаримиз, мунис момоларимизнинг эзгу ниятлари ижобат, дуолари мустажаб бўлди.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ! Дастлаб Сен кўзлари тийрак болакай каби ҳеч кимса ўйлаб тополмайдиган сўнгсиз саволларни беравериб, отасини, онажонисини қийнаб юборадиган шўхшаддод эркатойга ўхшардинг. Сени ўғлимга, қизалоғимга менгзардим. Сен менинг жону-жаҳоним, дуоларим, илтижоларим ижобати, Мурод-мақсадимсан! Сен менинг элга тинчлик, хотиржамлик, бахти бекамлик, маъмурчилик олиб келган — суюкли Маъмуримсан! Энди қадамларингдан гул ислари уфуради. Сен меҳр-мурувватга, ардоқлаб суйишга арзигулик бир жонсан. Ҳадемай, қадамларинг дадиллашди. Ҳаёт сени ўйлашга, ўз-ўзингни англашга, яхши ва ёмоннинг фарқини билишга ўргатди.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ! Сени ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ туҳмат балосидан, яна қанчадан-қанча қаттол балою қазолардан соғ-омон олиб ўтиш оталик, оналик, ака-опа, укалик бурчимиздир.

Иймони бор қўшниларимиз кўриб туришибди — мустақил давлатимиз, ўз она тилимиз, дину диёнатимиз саҳоватли тупроғимизга кириб келганини. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биноси пештоқида ҳилпираб турган байроғимиз, бахт элчиси — Хумо қуши тасвири туширилган ўз туғромиз, жарангдор мадҳиямиз, ер ости, ер усти бойликларимиз сенинг қутлуғ қадамингдан нишона эмасми?!

Бугун сен билимга, гўзалликка чанқоқсан. Оламга, қуёшга интилган ёш дилинг ўқиб-ўрганишга, борлиқни чуқурроқ англашга талпинади. Сенинг қизиқишларингни, ҳаётий муаммоларингни, ташвишу шодликларингни, бугунги кунда нималар билан нафас олаётганингни чуқурроқ биламизми? Кўп минг йиллик тарихимиз, она тилимиз, адабиётимиз, маданиятимиз, санъатимиз, гўзал ва такрорланмас осори-атиқаларимиз, моддий ва маънавий бойликларимиз сен туфайли ўзимизники бўлди. Ҳа, ҳа, ўзимизники бўлганини ким инкор эта олади?!

Ўзбеклар, ўзбекистонликлар Ватан деганда — уйининг остонасини, тил деганда — она алласини, удум деганда — ота-боболарнинг ўгитларини тушунадилар ва уларга ҳамиша амал қиладилар, содиқ қоладилар. Худди шу амалларнинг ўзи — сенсан Истиқлол!

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ! Сенинг келажагинг, зафарларинг, қувончли кунларинг ҳали олдинда. Сен ота-боболаринг йўл қўйган хатоларини ҳеч қачон такрорлама. Ўз она-юртингга ҳамиша содиқ ўғлон бўл! Бўлар элнинг фарзанди ўн бешида элга бош бўлар, деган нақл борлигини унутмасанг бўлгани.

Сен бугун етти ёшга қадам қўйдинг. Демак, борлиқни қуёш нурларига чўмилтирган шуълаларда, ранго-ранг товланиб, кўзни қамаштирадиган гуллар жилвасида, тошдан-тошга урилиб, қимиздай пишган тоғ сувлари-ю, олтиндай товланган буғдойзорлар, пахтазорлар, мевасининг ларзонлигидан эгилган боғлар, шу гўзал ўлка сенсан. Чунки:

Олтин бу водийлар —
жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона
руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати
жўш урган замон,
Оламни маҳлиё
айлаган диёр!

сатрлари билан нурафшон бўлган келажагинг, истиқболинг мунаввардир.

МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДИ! Болажоним, оламга яна бир жилмайиб қарагин, зеро сен кулсанг олам кулади. Сенинг тонгдай тиниқ, уфқлардай мусаффо фикр ва ўйларингдан, пок ниятларингдан бу кўҳна олам умрбод яшнаб-яшаргай.

Йўлларинг ёруғ, қадамларинг дадил, умринг боқий бўлсин, жигарбандим, болажоним, меҳрибоним — Истиқлол!

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

23 МИЛЛИОНГА ЕТАДИ

Оҳангарондаги "Қурилишпластмасс" акционерлик жамияти Германиядаги "Ермафа" фирмаси билан шартнома тузди.

Имзоланган ушбу ҳужжат бўйича "Ермафа" фирмаси "Қурилишпластмасс"га плёнкадан маҳсулотлар тайёрлаш учун керак бўладиган технология ва ускуналарни етказиб беради. Давлат инвестиция дастурига киритилган акционерлик жамияти бу лойиҳани тўла амалга ошириш учун 14,3 миллион доллар олди.

Корхона ҳозир 8 миллион квадрат метр атрофида плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Янги ускуналар ишга туширилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллион квадрат метрга етади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

САҲНАДА — ЮЛДУЗ УСМОНОВА

Юқоричирчиқ туманидаги "Дўстлик" ўйингоҳида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонованинг концерти бўлиб ўтди.

Концертни вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари ташкил қилдилар. Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган ушбу тадбир хайрия жамғармаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА.

ДАСТУРХОНДАГИ ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги "Балиқчи" ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашлари эл дастурхонини луқмаи ҳалол билан тўкин қилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бу ерда йилига минглаб тонна балиқ етиштирилиб, меҳнаткашларга тортиқ этилаётир. Ана шу савобли ишга моҳир балиқчи Эркин Аноркулов баракали ҳисса қўшмоқда. Ўз касбининг устаси бўлган бу миришкор 30 йилдан бери ҳалол тер тўкади. Тажрибали балиқчи икки ўғли билан бу йил 39 гектар ҳавзада балиқ етиштираётир. Ўтган йили аҳолига 104 тонна балиқ етказиб берган фидокорлар жорий йилда бу кўрсаткични 150 тоннага етказишни мўлжаллаб туришибди.

Каримжон РИХСИЕВ.

"ОЛТИНЧИ" ИШГА ТУШДИ

"БЕКОБОДЦЕМЕНТ" ҳиссадорлик жамияти мутахассислари йил бошидан бери ишламаётган 6-печни таъмирлаб, ишга туширдилар.

Клинкер қуйдириш цехи бошлиғи Зокир Турсунқуловнинг таъкидлашича, печ ишга тушгач, бир кеча кундузда бу ерда 1800 тоннадан зиёд клинкер тайёрланмоқда. Бу тегирмон цехида 2,5 минг тонна цемент тайёрлаш имконини беради.

Абдумурод АШУРОВ.

ЧЕХЛАР НУРИСЛОМГА ТАН БЕРИШДИ

"Болалар — сайёрамизнинг соф экологияси учун" шиори остида ўтказиб келинаётган халқаро танлов ёш рассомлар учун жиддий ижодий имтиҳон вазифасини ўтамоқда. Бундай кенг кўламли ижодий кўрик бу йил Чехия мамлакатида уюштирилди.

Ёш рассомларнинг халқаро танловида ўзбекистонлик ижодкор ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар. Бекободлик мактаб ўқувчиси Нурислом Иброҳимов чизган расмлар бевосита табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ эканлиги, шунингдек, улар ўзига хос маҳорат билан чизилганлиги учун ҳам ҳакамлар эътиборини тортди. Шу сабабли халқаро танлов ҳакамлари унинг маҳоратини юқори баҳоладилар.

Акбар АЛИЕВ.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Ангренда "Энг намунали оила" вилоят кўриги бўлиб ўтди. Унда 7 та оила иштирок этди. Улар шажара, миллий мерос, маданият, таълим-тарбия, экология ва саломатлик, ҳуқуқий билимлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Ушбу беллашувда Оҳангарон шаҳридан Ҳудоёровлар оиласи ғолиб деб топилиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин паркентлик Турсуновлар оиласига, учинчи ўрин қибрайлик Миркомиловлар оиласига насиб этди.

Кўрик ҳомийлари ғолибларга қимматбаҳо совғалар тақдим этишди.

Зарифа МИРЗАЕВА.

Янги нашр

"ДАВР"НИНГ ҚАЛДИРҒОЧ СОНИ

"ЗАМОНЛАР ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо, Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суйиб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир". Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг бу сўзлари мамлакатимиз тараққиётининг сўнгги йиллардаги улуғворлигини белгилайди.

Ҳа, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин орадан ўтган қисқа муддат ичида шунчалар салмоқли ишлар, ислоҳотлар, янгиланишлар, ўзгаришлар амалга оширилдики, уларни тўлалигича акс эттирмоқ учун янги-янги нашрларнинг вужудга келиши табиий бир ҳолдир.

Шу маънода "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталарининг ҳафталик иловаси "ДАВР" ("НАШЕ ВРЕМЯ") дунё юзини кўрди.

Мухлислар дастлабки қадам, дастлабки нусха кўп нарсани равшанлаштиради, деб бежиз айтмайдилар.

"Давр" ("Наше время")нинг биринчи сони саҳифаларини варақлар экансиз, унда чоп этилган турли-туман қизиқарли мақолалар, суратлар, ўзига хос рукнлар эътиборингизни тортади. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири Аббосхон Усмоновнинг "Давр — бугунимиз ва келажагимиз", Р.Аминовнинг "Шоҳимардон, аҳвол қандай?", Убайдулла Уватовнинг "Калом илмининг дарғаси", Муҳаббат Тўрабоеванинг "Зар рўмолдаги буғдой", Амриддин Бердимуродовнинг "Искандарнинг шохи борми?", Ш. Ёқубовнинг "Мусиқа халқларни яқинлаштиради" сингари мақолалари дарҳол ўқувчи эҳтиёжини тортади. "Давр" ("Наше время")нинг дастлабки қадами қутлуғ бўлсин.

САНАЦИЯ

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, бу ҳужжат турли сабабларга кўра иқтисоди издан чиқиб, "қулоғигача" қарзга ботган хўжаликларга инқироздан чиқиб олиш учун қулай имконият яратиб берди.

Пойтахт вилоятида саккиз хўжалик санацияга тушган эди. Бугунга келиб уларнинг тўрттаси дон сотиш давлат буюртма режасини ортиғи билан бажарди. Шулардан бири Қуйичирчиқ туманидаги "Ҳамза" номли хўжаликдир.

— Қишлоқ хўжалигида ер асосий даромад манбаи. Шу боисдан ҳам ундан фойдаланишга янгича ёндашяпмиз, — дейди хўжалик ташқи бошқарувчи раҳбари Жумадилла Ўрозбоев. — Хўжалик иқтисодини кўтариш юзасидан тузган дастуримиз кўпчиликка маъқул бўлди. Унда ҳамма нарса — ер-сув, техника, меҳнат ресурслари, меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳимояси тўлалигича ҳисобга олинган.

Хўжаликда илгари пахта ва ғалла ҳосилдорлиги гектарига 8—10 центнердан ошмаган экан. Вужудга келган аҳволдан чиқиш учун аввало деҳқончилик маданиятини кўтариш, уруғчиликни тўғри йўлга қўйиш, иш юритишнинг замонавий усулларини дадил жорий этишга ҳаракат қиляпмиз. Пахтачилик ва ғаллачиликда оила пудратига ўтдик. Бу йил ғаллазорларда 54 оила меҳнат қилди. Улар билан ички шартнома тузилиб, зарур имкониятлар яратиб берилди. Натижада ҳозирга қадар 425 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан дон йиғиштириб олдик. Давлатга 1690 тонна ўрнига, 1800 тоннадан зиёд дон топширилди. Бу хўжалигимиз ҳисобига кўзда тутилганидан кўпроқ пул келиб тушади, даромадимиз ортади дегани.

Айни пайтда ғалла ўрими ниҳоясига етай деб қолди. Экиндан бўшаган майдонларга пешма-пеш такрорий экин экяпмиз. Пахтачиликдаги ишлар ҳам чакки эмас. Қатор ораларига ишлов оби-тобида берилаётгани ғўзанинг дуркун ўсишини таъминламоқда. Ишончим комилки, ҳукумат томонидан берилган имкониятдан фойдаланиб, хўжалигимиз шу йилнинг ўзидаёқ қаддини тиклаб олади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.



ҚУТЛУҒ САНА ШАРАФИГА

"Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигини муносиб кутиб олиш учун кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Корхонанинг барча цехларида юксак марраларни кўзлаб ишлашмоқда. Жамоа йил давомида ками билан 60 минг квадрат метр ҳажмдаги мармар ва гранитдан тайёрланган пардоз плиталарини ишлаб чиқариш ва қурилишларга етказиб бериш юзасидан эл-юрт олдида берган ваъдаларининг тўла уддасидан чиқишга астойдил интилмоқдалар.

Қарийб ўттиз йилдан бери шундай қимматли қурилиш материалларини ишлаб чиқараётган корхона жамоасининг маҳсули республикамиздаги юзлаб йирик иншоотлар қурилишида кенг фойдаланилган. Тошкент метрополитени, "Халқлар дўстлиги" саройи, биржа маркази, миллий банк, Олий Мажлиснинг бинолари, "Жар" спорт мажмуи ва кўпгина бошқа муҳим қурилишларда ишлатилган. Шу кунларда жамоа муҳим қурилиш иншоотларидан бири "Имом Ал-Бухорий" мемориал мажмуаси қурилиши учун пардоз материалларини етказиб беришга киришди. Ушбу суратда силлиқловчи Зиёдулла Тешабоевни иш устида кўриб турибсиз.

Равшан НУРИДДИНОВ олган сурат. (ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — ЁШЛАР КАМОЛИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида талаба-ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш — давр талаби мавзуида республика илмий-амалий семинар кенгаши бўлди. Унда мамлакатимиздаги университет ва институтлар, коллеж ва лицейлар, ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида ва унинг бир гуруҳ тарихчилар билан суҳбатлари чоғида ўртага қўйилган қоида ва хулосалар асосида вазирлик тизими ходимлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев шу ҳақда маъруза қилди.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни, айниқса ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор бераётгани анжуманда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, келажагимиз бўлмиш ёш авлоднинг камоли кўп жиҳатдан мустақиллик мафкурасининг омма онгига нечоғли кенг сингишига боғлиқдир. Таъкидланганидек, истиқлол мафкураси мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, ватан тақдирини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиши лозим. Замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бир қаторда, ҳар томонлама етук, ватанига содиқ, фидойи, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва кўмак бериш республикадаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда миллий мафкура ва матбуот, ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялашда тарих фанининг ўрни каби мавзулардаги маърузалар ҳам тингланди ҳамда бу борадаги ишларни янада жонлантириш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзА).

СЕРМАЗМУН СУҲБАТЛАР

АНГРЕНДА оила йили муносабати билан жамиятда оиланинг роли, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялашни яхшилашга қўшаётган ҳиссасини янада кучайтириш мавзуларига бағишланган сайёр кенгашлар мунтазам ўтказилмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, кекса ўқитувчилар, маҳаллалар оқсоқолларидан ва бошқа обрўли отахон-оналардан тузилган гуруҳлар меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув юртларига ташриф буюрмоқдалар.

Кейинги кунларда бу гуруҳлар Нуробод қўрғони фуқаролари, ўзбек-турк ўғил болалар лицейи, қатор корхона-ташкилотларда бўлиб, ёшларда ватанпарварлик, мустақил мамлакатимизга меҳр-муҳаббат кўникмаларини, ҳалолликни, ҳуқуқий билимларини эгаллаш, бунда оиланинг роли ҳақида сермазмун суҳбатлар ўтказдилар.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА.

ОДИЛ ДЕҲҚОН

ҚАЙСИ жамоанинг иши ўнгидан келса, ютуқлари залворли бўлиб, кўпайиб борса, билингки, у ерда одиллик бор.

Одилликни дилига жо қилган одам эса ўзидан кўра кўпроқ умум манфаатини ўйлайди.

— Сиз бу фикрга нима дейсиз? — сўраймиз суҳбатдош — Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Искандар Фозиловдан.

— Бу гаплар сабзавотчи-пудратчи деҳқонлар жамоаси сардори Одил ака Йўлдошев ҳақида айтилгандай, — дейди у.

Дарвоқе, Одил ака ўз номи билан Одил-да! Деҳқончиликка оид ҳар бир масалага, бу борада учраб турадиган муаммолар-у, мушкул масалаларни ҳал қилишга теран кўз билан қарайди. Жамоасида ишлайдиганларни ҳам шунга ундайди, даъват қилади.

— Бизда, — дейди Одил ака, — сара деҳқонлар йиғилишган. Аслини олганда уларга ўргатишнинг ҳожати йўқ...

Лекин, бундан асло "у ҳолда бригадирнинг нима кераги бор", деган хулоса чиқариб бўлмайди. Халқимизда юз қўшчига бир бошчи, деган гап бор-ку, ахир.

Бу бошчиларнинг аввалги бошчилардан фарқи ер билан осмонча. Аввалари ишдан кўра буйруқ беришни хуш кўрардилар. "Нега уни қилмадинглар, нега экинни суғормадинглар, нега ҳосилнинг баракаси йўқ", деб деҳқоннинг жиғига тегиб, баъзида эса яхши ташаббусларга "қармоқ" ташлаб, ишига ҳалақит берардилар.

— Ҳозирги бошчиларни, — дейди раис, — деҳқонлар билан маъмурият ўртасидаги воситачи, мувофиқлаштирувчи десак ҳам бўлади. Негаки, деҳқон фақат ишини билади. Вақтини қизғанади. У-бу юмуши бўлса сардорига айтади. Дардиҳасратини ҳам ўшанга тўкади. У ўзининг мулоҳазалари, деҳқонга кўрсатиладиган ёрдамнинг қай хилда бўлиши ҳақидаги фикрларни маъмуриятга етказади. Ана шу йўл билан икки ўртада тузилган шартнома шартларининг бажарилишини таъминлайди. Бу ғоят муҳимдир! Бу — деҳқонга қайишиш, унинг манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилишдир. Яна шуни ҳам айтайлик: беш қўл баробар эмас. Баъзи деҳқонларнинг иши юришмай қолиши, тушкунликка тушиши мумкин. Бундай ҳолатлар ҳеч вақт Одил аканинг назаридан қолмайди. У, киши билмас, ўша деҳқоннинг далаларини, пайкалларини айланади. Хатоси нима, қандай камчиликка йўл қўйган, билиб олади ва ётиғи билан тушунтиради, маслаҳат беради. Табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирадиган пайт эмас, ҳозир. Тош-тарози посонгисини экиннинг ҳолатига қараб тўғрилаб борилади.

Одил ака ана шундай фидойи, жонкуяр инсонлардан. Унинг жамоада ўзига яраша ўрни, обрўси бор. Деҳқонлар бир сўзини икки қилмайдилар. Шунинг учун бу йил ҳам 180 гектарлик майдондаги сабзавот, мевачевадан, ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектаридан 15 тоннадан картошка, 12 тоннадан пиёз, 50 тоннадан карам топширилди. Мўмайгина даромад қилган оилавий пудратчи деҳқонлар ўз турмуш даражасини яхшилаб олдилар. Наби ака Эшонов, Зиёдулла Файзуллаев, Маҳмуд Аҳмедов сингари оилавий-пудратчи жамоалар эришаётган ютуқлар бунга мисолдир.

Одил ака бошлиқ пудратчилар ғалла мустақиллиги учун курашда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

ФИДОЙИЛАР

Улар йилдан-йилга бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил олиш ҳадисини олмоқдалар. Ўтган йили ҳосилдорлик 45 центнер бўлганди. Бу йил эса 133 гектар майдондан 48 центнерга етказиб хирмон кўтарилди.

Жамоа хўжалиги ерларининг бир қисми шаҳарга туташиб кетган. Демак, улар етиштирган маҳсулотга қанчадан-қанча қора кўзлар интиқ бўлиб туради. Бу масъулиятни чуқур ҳис қилган деҳқонлар ҳар қарич ернинг қадрига етадилар. Бир майдондан икки-уч марта ҳосил олиш чорасини кўрмоқдалар. Мана, бу йил ҳам буғдойдан бўшаган каттагина майдонларга пешма-пеш картошка, сабзи ва бошқа экинлар экиб қўйилди. Ҳозир маккажўхори, сабзи майсалари кўзга ташланмоқда. Картошка ниш уриб, ер бетини қоплаётир. Яна бир ойдан сўнг бу майдонларга келсангиз кўм-кўк бахмал далаларни кўриб, баҳри-дилингиз очилади. Бу пайкалларда элнинг навбатдаги ризқ-рўзи пишиб етилмоқда. Демакки, мўл-кўлчиликка асос қўйилмоқда. Бу асоснинг "пойдеворчи"ларидан бири — Одил ака Йўлдошевнинг одил иш юритиши, албатта, кузги хирмоннинг ҳам баракасини таъмин этади.

Носир РИХСИЕВ.

1998 йил — Оила йили

КАСБИ ЭЪЗОЗЛИ, ОИЛАСИ НАМУНАЛИ

Мустақил Ўзбекистонимиз ҳам, пойтахт вилоятимиз ҳам шу кунда улкан қурилиш майдонига айланган. Эркимизга эришгандан кейин ўтган етти йил ҳақиқатдан ҳам мисли кўрилмаган қурилишлар даври бўлди. Ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда янги ҳашаматли биноларнинг пайдо бўлди, сон-саноқсиз уй-жойлар қурилди. Замонавий корхоналар, меҳмонхоналар, жаҳон стандарти даражасидаги спорт иншоотлари, истироҳат боғию ҳиёбонлар, йўллар барпо этилди. Шундай яратувчилик ишларида халқимизнинг имонли, эътиқодли, ҳалол, покиза инсонлари тер тўкмоқдалар.

Эсини танибдики, қурилишлар уммонида жавлон ураётган Зоҳид Ҳасанов ана шундай заҳматкаш инсонларнинг биридир. У ўзининг бутун умрини гуллаб-яшнатишга мамлакатимиз учун, халқимиз фаровонлигини ошириш учун хизмат қиладиган иншоотларини бунёд этишга бахшида этган бунёдкордир.

Эски шаҳардаги оддий хизматчи оиласида 1938 йилда дунёга келган Зоҳиднинг болалик даври оғир уруш йилларига тўғри келди. У ёшлик чоғларидан қурувчи бўлишни орзу қиларди. Мактабни тугатиши билан қурилиш техникумига ўқишга кирди ва шу билан бирга қурилишда ҳам ишлай бошлади.

Севган касбининг сир-асрорларини қунт билан ўрганар экан, оддий бир ҳақиқат — иморатнинг пойдевори пишиқ бўлса у чинакам мустаҳкам бўлишини англаб етди.

Кейинчалик Тошкентдаги темир-бетон буюмлари заводида бригада бошлиғи вазифасида ишлади. У Тошкентдаги 5-ҳунар-техника билим юртида ёшларга билим бериш билан шуғулланди. Айни вақтда темир йўл транспорти мухандислари институтини ҳам тамомлади ва 36-ҳунар-техника билим юртига раҳбар этиб тайинланди.

1966 йилдаги зилзиладан сўнг Зоҳид ака яна ўз ўрнини қурилишда деб билди. У 2-пардозлаш трестининг марказий лабораториясига бошчилик қила бошлади. Бу киши раҳбарлигида лаборатория ходимлари зилзилага чидамли иншоотлар ва зилзила бардош янги материаллар яратиш устида иш олиб бордилар. Тошкентнинг янги қиёфасини яратишда фаол иштирок этдилар. Яна қатор бинокорлик ашёлари корхоналарида раҳбар бўлди. Ҳозир эса Тошкент вилояти 2-агроуйжой қурилиши трестида бошлиқ, Тошкент вилоят хўжаликлараро қурилиш кенгашида раис лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. У қайси лавозимда ишламасин ўзининг тинибтинчимаслиги ва сабот-матонати билан эъзозга сазовор бўлди.

Зоҳид аканинг шахсий иштироки билан Тошкент шаҳрида ва пойтахт вилоятида қатор корхоналар, жумладан, тажриба-механика пластмасса буюмлари, уйрўзғор асбоблари, металл буюмлари ишлаб чиқариш, электр асбоблари ва ёритгичлар ишлаб чиқарувчи заводлар, ўзбек миллий мусиқа асбоблари, бадиий буюмлар, "Чевар" ва унинг еттита шахобча фабрикалари, Тошкент вилояти қурилишларида кўплаб агросаноат иншоотлари, уй-жой, мактаб, боғча ва бошқа инфратузилма бинолари барпо этилди, ҳамма қишлоқ хўжалик қурилишларига шахсан ўзлари бошчилик қилганлар. Тажрибали бинокор бошчилигидаги бинокорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи қатор катта-кичик корхоналарни қурдилар. Янгилик ихлосманди бўлган Зоҳид ака уй-жой қурилиш соҳасининг билимдони сифатида пардозлаш ишларини яхшилаш бўйича 10 та рационализаторлик таклифларини жорий қилди. Булар 10 миллион сўм фойда келтирди. Уларнинг муаллифига хизмат кўрсатган ихтиночи унвони берилди. У "Меҳнат фахрийси" унвонига ҳам сазовор бўлган.

Катта ҳаёт йўлини чидам билан босиб ўтган Зоҳид Ҳасанов иш жойида раҳбар, оилада меҳрибон ота. У бугун фарзандлари ва куёвлари билан ҳақли равишда фахрланади. Оилада уч нафар фарзандни тарбиялаб, ўқитиб, уларнинг ҳақиқий инсонлар бўлиб етишишида Зоҳид аканинг ўрни беқиёс.

Турмуш ўртоқлари Шоирахон маориф жонкуяри. Ҳозирги кунда 35 йиллик меҳнат фаолиятларидан кейин қарилик гаштини сурмоқда. Катта ўғиллари Муроджон Тошкент вилояти Иссиқлик манбаи бош бошқармасининг раҳбар муовини, қизлари Зулфияхон шифокор, кичик қизлари Гулчеҳрахон Тошкент юридик институтида ўқитувчи. 9 набиранинг бобоси ва бувиси бўлишди.

Зоҳид аканинг чеҳрасидан ҳамон қарилик аломатлари эмас, меҳнатга чанқоқлик барқ уриб турибди. Биз ана шу камтарин, камсуқум инсонга умрингиз боқий, имонингиз бой, турмушингиз фаровон бўлсин, дегимиз келади чин кўнгилдан.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА, Миржалол МИРАЛИЕВ.

Таҳририятга хат

ЯШИЛ ЧИРОҚ ЎРНАТИЛСА...

КАТТА Ўзбек трактининг 5-километрида натижаси ўлим билан тугаган оғир фожиа юз берди. Ян-янги "09"ни бошқариб келаётган ДАН ходими тезликни оширгани боис олдинда кетаётган юк автомобилига зарб билан урилди. Бу ҳақда яна эслашимиздан мақсад айнан мана шу жойда яъни бизнинг "Туркистон" маҳалласи марказини кесиб ўтадиган йўл охирги пайтларда кўплаб ҳалокатлар содир бўладиган жойга айланиб қолди. Бу ерда мактаб, масжид ва аҳоли зич яшайдиган уй-жойлар жойлашган. Автомобилларнинг оқими эса тинмайди.

1997 йилнинг ноябрида "МАЗ" автомобилининг ҳайдовчиси бир қарияни уриб кетди. Жабрланган одам ўша ернинг ўзида дунёдан кўз юмди. Ҳайдовчи эса воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетган. Шу йилнинг февраль ойида Саидвали Абдувалиевнинг 9 та боласи етим қолди. Унинг ҳам касалхонага етиб бормаёқ жони узилди. Шу йилнинг 1 майида еттинчи синф ўқувчисини маршрут таксиси мактабга кетаётган чоғида уриб юборди. Қандайдир мўъжиза билан қизча тирик қолди.

Мана шуларнинг бари айтарли унча катта бўлмаган муддатда содир бўлди. Лекин, бизнинг мақсадимиз бўлак. Биз юқорида айтиб ўтган жойдан уч-тўрт километр нарироқда, айнан Ўзбек тракти бошланадиган жойда ДАН пости жойлашган. Ҳар қандай ҳайдовчи уларнинг олдидан мулойимгина ўтиб, тезликни туширади-да, бизнинг даҳага яқинлашганда шамолдек бир-бирини қувиб ўтади.

Ҳурматли таҳририят! Юқоридаги фалокатлар тафсилотини келтириб ўтишимиздан мақсад бизга маҳалламиз маркази ҳар қандай йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳоли бўлиши учун мана шу ердаги ДАН пости ёҳуд "Яшил чироқ" ўрнатилса, фалокатлар олди олинади, деб ўйлаймиз.

Маҳалла аҳли номидан: Гулнора ТЎХТАБОҚИЕВА.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

"СЎҒДИЁНА" "МОНТЕЛБАНЕ"ДА

ОЛМОНИЯНИНГ Саксония-Ангелт минтақасида яқинда ажойиб бир халқаро мусиқа байрами ўтказилди. Унда ер куррасидаги турли халқларнинг Ўрта аср куйлари янгради. Фестивалнинг номи "Монтелбане" эди. Италия, Швейцария, Астрия, Греция, АҚШ каби ўнлаб мамлакатлардан келган санъаткор жамоалар сафида Ўзбекистон вакилларининг ҳам қатнашганлиги жуда кўпчилик томошабинларнинг эътиборини тортди. Чунки, Тошкент Давлат консерваториясининг "Сўғдиёна" камер гуруҳи ижросидаги анъанавий қадимий куй ва қўшиқлар Оврупо шинавандалари учун ўзгача бир олам бўлди.

— "Сўғдиёна" дастасининг

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

муваффақияти, шубҳасиздир, — деди мазкур фестивалнинг бош мувофиқлаштирувчиси Роберт Вайнкауф. — Уларнинг ҳар бир чиқишини одамлар олқишлар билан кутиб олганлиги кишини ғоят қувонтиради. Бу эса сеҳрли шарқона куйларнинг жозибаси эди.

"Сўғдиёна" гуруҳи "Олмония радиоси — Берлин" ташкил этган икки соатлик эшиттиришда ҳам мухлисларни ҳайратга солди. Шундан сўнг республикамиз санъаткорлари шаҳарнинг Мариен черковида, "Кромсдорф" саройида, Лейпцигдаги Бетанин саждагоҳида, Эрфуртнинг улкан залларида концертлар бердилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мусиқавий санъати билан ҳам оламга тобора кўпроқ танилмоқда.

Воқеалар тўлқинида

➡ РОССИЯНИНГ бир гуруҳ арбоблари — собиқ бош вазир В. Черномирдин, Татаристон президенти М. Шаймиев, Красноярск губернатори А. Лебедь, МДҲ ижрочи котиби Б. Березовскийлар махсус мактуб билан РФ президенти Борис Ельцинга мурожаат қилиб, Россиянинг Чеченистонга бўлган муносабатини очиқ-равшан белгилашни талаб қилдилар. Чунки, Россия ва Чеченистон ўртасидаги кўпгина муаммолар ҳамон ўз ечимини узил-кесил топгани йўқ, дейилади мурожаатномада.

➡ МИЛЛИЙ-демократик партиянинг VII съездида Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак мазкур ҳукмрон партиянинг қайтадан раиси этиб сайланди.

➡ ГРУЗИЯ Вазирлар Маҳкамаси деярли тўлиқ таркибида истеъфога чиқди. Маҳкама бошлиғи — давлат вазири Н. Ликонишвили ўрнига президент Э. Шеварднадзе мазкур мамлакатнинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. Лордкипанидзе тайинланиши мумкинлигини яширмаётир. Бугун-эрта янги Вазирлар Маҳкамаси таркиби аниқ бўлади.

➡ КАМБОДЖАДА парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда аҳолининг 98 фоизи иштирок этди.

➡ ТОЖИКИСТОН Ташқи ишлар вазирлиги Москва телевидениеси НТВ дастури мухбири Елена Масюкни ноғрат шахс яъни исталмаган вакил сифатида мазкур мамлакатда туриши мумкин эмаслигини эълон қилди. Унинг аккредитация ҳуқуқини берувчи ҳужжати бекор қилинди. Бунга НТВ мухбирининг Тожикистондаги сиёсий ва ижтимоий воқеаларни нохолис ёритганлиги сабаб бўлди.

➡ ЮГОСЛАВИЯНИНГ исёнкор Косово республикасидаги можаролар тобора авж олаётган бир пайтда бошқа бир минтақа — Македонияда ҳам қуролли ғалаёнлар бошланди. Кўчаларда портлашлар, ўқ овозлари эшитилмоқда. Кўпчилик ўз ҳудудларини Албанияга қўшилишини талаб қилмоқдалар.

ТЕРРОРЧИ... КОНГРЕССДА

АЙНИ кунларда кўпгина оммавий ахборот воситалари АҚШ Конгрессида рўй берган воқеа ҳақида турли-туман мазмундаги қатор мақолалар эълон қилмоқдалар. Гап шундаки, ҳафта бошида Расселл Уэстон деган кимса куппа-кундуз куни АҚШнинг қонун чиқарувчи энг катта маҳкамаси — Конгресс биносига зўрлик билан кириб кетган эди. Ўтиш жойида металлдан ясалган нарсаларни аниқлайдиган детектор асбоби ўрнатилганига қарамай, босқинчи ичкарига тўппонча билан ўтишга муваффақ бўлди. У, аввал, 58 яшар полициячи Жекоб Чеснотга қарши ўқ узди. У дарҳол йиқилди. Шундан сўнг босқинчи бинонинг иккинчи қаватига кўтарилиб, депутат Билл Фрист хонаси остонасида соқчи Жон Гибсонни ҳамда томошабин бўлган бир аёлни жароҳатлади. Касалхонага келтирилганига қарамай, полициячи ҳам, соқчи ҳам оламдан кўз юмдилар.

Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг аксарият қисмини бир савол қизиқтирмоқда: қандай қилиб, Иллинойс штатидан келган 41 яшар номаълум шахс ҳеч йўқ, бе йўқ, энг катта маҳкама ичкарисига қурол билан кириб кетиши мумкин? Бу Американинг олий даражадаги идоралари тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Соқчи ўқидан жароҳатланган террорчи Р. Уэстон ҳам ҳозирча ўзидан кетиб, касалхонада ётибди. Унинг тақдири маълум, деб ёзмоқдалар қатор газеталар, чунки, полициячи ва соқчини хизмат пайтида отиб ўлдирган одамнинг олий жазо — ўлимга ҳукм этилиши, турган гап.

ҚЎМИТА РАҲБАРЛАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

АФРИКА қитъасининг йирик давлатларидан бири бўлган Кения суди ўн беш нафар мансабдор шахс ва ишбилармонларни хибсга олиш ҳақидаги ўз қарорини эълон қилди. Уларнинг аксарият қисми давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари эди. Жиноятчиликка қарши кураш хизмати директори Жон Мваунинг айтишича, улар давлат мулкини талон-торож қилишликда айбланмоқдалар. Маълумотларга қараганда, мазкур шахслар солиқ ва божхона тўловлари қоидаларига амал қилмасдан Бразилия, Аргентина сингари йирик мамлакатларга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб юборганлар. Оқибатда давлат бюджетига 4 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда зарар етказилган.

ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ...

ХИТОЙНИНГ Юннан вилоятидаги Мэйл тоғидан 17 нафар спортчининг жасади топилди. Бундан етти йил муқаддам хитой ва япон спортчилари биргаликда Мэйл тоғига тадқиқот сафарига чиқиб, бедарак йўқолган эдилар.

ЖАЗИРАМА "ДАВО"СИ — ДОЛЛАР

АМЕРИКА Қўшма Штатларининг жанубий-ғарбий минтақаларида жазирама иссиқ ҳамон авжига чиқмоқда. Президент Билл Клинтон бу табиий офатдан азият чекаётган аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлади. Бунинг учун давлат хазинасидан 100 миллион доллар маблағ ажратилди. Ушбу сармоялар одамларни совутиш мосламалари билан таъминлашга сарфланади. Ҳарорат 40 даражадан ҳам ошиб бораётган ҳудудларда ҳозиргача юздан ортиқ фуқаро қурбон бўлди. Ажратилган маблағ ўн бир штатдаги аҳоли аҳволини яхшиласа, ажаб эмас.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

➡ ШВЕЙЦАРИЯ антрополог олими Фриц Грайдер Янги Гвинея сафарида ҳеч қачон учрамаган одамҳўр қабила вакилларига дуч келди. Қабила бошлиғи "меҳмон"ни ўзига яқин тутди ва ғалати бир воқеани гапириб берди. 1936 йилда осмондан кумушранг кема тушганини, унинг ичидан тўққиз нафар маҳлуқот чиқиб келганини оқсоқол бугунгидай эслайди. Ўзга сайёралиларнинг бўйи етти яшар боланикидай, ранглари қорамтир-кўк эди. Улар бизнинг тилда яхши гапиришарди. Уларнинг болаларимизга алоҳида эътибор билан қараётганини сезганимиздан сўнг еб кўйдик, — деди оқсоқол. Кема эса фазога кўтарилиб, йўқ бўлиб кетди. Швейцариялик тадқиқотчи қабила бошлиғи ҳикояси тафсилотларини чукурроқ ўрганишга киришди.

➡ УКРАИНА давлат муҳандислик бюросида "Шевченко пистолети" деб аталган тўппончани янги туркуми яратилди. 9 мм. ўқ ейдиган ушбу қурол уюшган жиноятчиликка қарши курашда жуда қулайдир. Бу тўппонча ўз тарихида "форт—12" нусҳасидан кейин иккинчи бор такомиллаштирилди.

➡ ПАРОВОЗНИ англиялик Р. Тревитик деган одам яратганини биламиз. Тайёралар "пойдевори"ни эса А. Можайский қўйган. Лекин, пароход қачон пайдо бўлган? Маълум бўлишича, америкалик ихтирочи Роберт Фултон 1803 йилда Париж ўртасидан оқадиган Сена дарёсида биринчи марта сувда юрадиган "буғ машина"сини синовдан ўтказган. Дастлабки кема соатига 7,5 километр йўл босган. Р. Фултон ватанига қайтгач, "Клермон" деб аталган чинакам гилдиракли пароходни Ню-Йоркнинг Гудзон дарёсида намойиш этди. Ушанда одамлар ихтирочини кўлма-кўл иткитиб, олқишлаган эдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 3

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нонинг бутун бўлсин, элим».
9.30 «Омад юлдузи». Телеўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.35 **Мустақиллик одимлари.**
10.40 «Дўст». Бадиий фильм.
12.05 «Жаҳон спорти».
12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.10 — 14.00 «Келин-куёв» Телешоу.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 Кекса санъаткорлар қўйлайди.
19.05 «Таянч нуқтаси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.35 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига:** «Диёрим Ўзбекистоним». Мусиқий дастур.
22.15 «Мустақиллик одимлари».
22.20 «Телевидение: томоша, томошабин».
22.45 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2 фасл. 31-кўй.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 «Ойдиндаги қадамлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Кўзгу».
22.30 «Даракчи»(рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ. «Бумеранг».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Англаш санъати».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 «Тўппонча ушлаган одам». Бадиий фильм.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар».
20.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
21.00 «Намастэ».
21.20 «Ҳамкорлик».
21.45 Кинематограф. «Четга оғиш ноль».
23.05 Спорт-тайм.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 4

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо тароналар».
9.05 **Мустақиллик одимлари.**
9.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2 фасл. 31-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Доно бобо даврасида».
10.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Орзулари бисёр аёлнинг».
10.35 Янги алифбони ўрганамиз.
11.05 «Оламни асранг!».
11.20 Рақс, рақс, рақс.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 16-серия.
12.05 «Оила». Тележурнал.
12.35 — 14.00 Кундузги сеанс. «Нофелет қаерда?» Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Парвоз».
18.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон дея аталур».
18.40 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
19.00 «Қуйла ёшлигим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.35 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Саҳна ҳаёти».
21.30 «Акс-садо».
22.00 Мустақиллик одимлари.
22.05 «Гўллар пайванди». Озода Ёрова.
22.40 Диққат премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 32-кўй.
23.20 «Ахборот».
23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 Ёвойи ҳайвонот олами.
19.05 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 Мусиқий меҳмонхона.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггер». Телесериал.
21.50 Спорт-қитъаси.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ. «Рўёбга чиқиш».
00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 «Ҳозирги ёшлар». Р. Қосимжонов.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Тўлпорлар». Манзарали фильм.
21.50 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.20 Шарқ киноси. «Лайли ва Мажнун». Бадиий фильм (Озорбайжонфильм).
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Тасвир».
19.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.40 Телефакт.
19.50 Мусиқий танаффус.
19.55, 21.25 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи».Телесериал.
20.45 Мусиқий танаффус.
20.50 «Туманларсиз Британия».
21.05 Хит-коллекция.
21.30 «Кувноқ кино».
23.00—23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 5

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўн саккиз ёшингдадур». Мусиқий дастур.
8.45 «Маърифат маскани».
9.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Она шаҳрим — Тошкентим».
9.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 32 куй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Жавоҳирлар бўстони».
11.30 «Дутор ва танбур тароналари».
11.55 **Мустақиллик одимлари.**
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 17-серия.
12.20 «Акс-садо».
12.50 Кундузги сеанс. «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.10—14.30 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Чемпион билан учрашув».
18.45 «Тилга эътибор».
19.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Истиқлол қўшиқлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Яхшилар ёди». Маъруф Қориев.
21.50 Мустақиллик одимлари.
21.55 «Уйғонаётган фикр».
22.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-қисм.
23.05 **«ЁШЛАР» телеканали:**
«Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Этрада ва ёшлар».
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳонадон».
20.15 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ғазал соғинчи».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Кинонигоҳ.
23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 «Кино сайёраси». Кинокўрсатув.
21.55 «Оқшом гўзаллари». Бадиий фильм.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.45 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 Истиқлол илҳомлари. «Шуҳулли диёрим».
20.25 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.45 «Мезон».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Дурдаршан».
21.50 Олтин хазина. Саид Аҳмад. «Келинлар кўзғолони». А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 6

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Висолинг шайдосиман». Мусиқий дастур.
9.10 «Томчи».
9.25 «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-кисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин».

Тележурнал.
10.30 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.45 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Денов ва деновликлар».
11.05 «Халқ ижодиёти».
11.30 «Шоирлар — болаларга».
*
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 18-серия.
12.20 Кундузги сеанс. «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.30 «Хотира». Илҳом Ҳасан.
14.10 — 14.30 «Бугуннинг ўйлари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Ҳиммат».
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 **Мустақиллик одимлари.**
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
21.35 «Битик».
22.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-қисм.
22.40 «Сомон йўли».
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Бўш ўтирма».
18.55 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одамлар орасида».
21.25 Мумтоз наволар.
21.55 «Даракчи»(рус тилида).
22.05 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 «Оилавий экран». «Автомобилдан сақланинг!»
23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.35
*
20.35 «Ҳорманг уста». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Оқ халатдаги мафия». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «02» тўлқинида.
19.20 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.50 «Ҳамшаҳарлар».
20.15 «Лаззат».
20.35, 22.05 — Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.45 Мусиқий Олимп.
22.10 Киносалон.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 7

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий дастур.
8.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Спорт байрами».
9.05 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.
9.20 «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 **Мустақиллик одимлари.**
10.30 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
10.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Остонаси тиллодан».
11.15 Ўзбек куйларидан концерт.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 19-қисм.
12.05 «Сув сайли».
12.25 Кундузги сеанс. «Оцеола». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Бармоқлар сеҳри».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Фермер». Телеталнлов.
18.50 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан...»
19.15 **«Мустақиллик бекати».**
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Оғонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.20 Мусиқамиз хазинасидан. «Сиз соғинган оҳанглар».
21.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Юртим мўъжизалари».
22.30 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» Дам-олиш дастури:
22.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Истиқлол фидойилари».
23.15 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 1-серия. (Туркия).
00.05 — 00.10 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор эканда, йўқ экан».
18.40 «Довураклар». Ҳужжатли сериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акс».
20.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Йирик планда».
21.15 «Таггер». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Бокс. Бокс. Бокс.
22.35 Кинонигоҳ. «Компьютер даҳоси».
00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Телешифокор». Тиббий маслаҳатлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Оскар совриндорлари: «Жаноб Кейн» (1941 йил). Бадиий фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.25 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.50 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Уй остонадан бошланади».
21.20 Дурдаршан.
21.55 Кинематограф. «Махбубам, азизим, суюклигим, ёлғизим».
23.00 «Араб эстрадаси».
23.30—23.40 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 8

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Бахт ва шодлик тароналари». Мусиқий дастур.
9.00 «Шохрўх клуби».
9.20 «Зиёрат».
9.30 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 19-серия.
9.45 «Ҳаёт сабоқлари».
10.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Усуллар парвози».
«ЁШЛАР» телеканали
10.40 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Соғлом авлод учун».
«Мен билган, билмаган дунё».
«Ёшлар қўйлаганда». Мусиқий дастур.
12.05 «Кафолат».
12.25 «Қизиқарли учрашувлар». Мақсуд Юнусов.
12.55 Кундузги сеанс. «ГАИ инспектори». Бадиий фильм.
14.15 — 14.35 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 Санъат усталарининг концерти.
21.45 Мустақиллик одимлари.
21.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-қисм.
22.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду» Дам олиш дастури
22.50 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида. «Шерюрак». Бадиий фильм. (АҚШ).
01.50 — 01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ў ким, бу нима?»
8.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
9.00 «Сўз ва соз оҳанглари».
9.35 «Лавжой». Телесериал.
10.20 Болалар экрани.
11.35 «Мутойиба».
11.55 А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театри. Р. Леонкавеллонинг «Паяци» операси.
13.05 «Жозиба».
13.20 — 14.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 Спорт-қитъаси.
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.15 «Мусиқий лаҳзалар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дилбарим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 ТВ ва театр.
22.40 «Даракчи».
22.50 «Бешинчи ўлчов».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. «Сир».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.00 — 23.35

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Спектаклдан сўнг».
11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафесига хуш келибсиз!» (Инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 22.15 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.05 «5 дақиқа ўзим учун».
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.30 «Ассалом, Франция!».
21.55 «Хит-коллекция».
22.20 Киносалон.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 9

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
«ЁШЛАР» телеканали
9.10 «Истеъдодлар унар боғ».
«Табиат шифохонаси».
«Ёшлар матбуоти».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Гулдаста». Мусиқий дастур.
* * *
11.20 «Мезон».
11.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-кисм.
12.10 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
12.30 Кундузги сеанс. «Императорнинг махфий фармони». Бадиий фильм.
14.05 — 14.35 «Нурли келажак».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сенимн, шошмай тур!». Мультфильм.
18.15 «Ха, ха, ха». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий — публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 **Мустақиллик одимлари.**
21.20 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
22.05 Спорт дастури: «Спорт. Спорт. Спорт». Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
22.35 «Кино янгиликлари».
22.45 «Бегунох». Бадиий фильм. 1-2-серия.
01.15 — 01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Фор эканда йўқ экан».
8.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Наврўз-95».
9.05 «Санта Барбара». Телесериал.
9.45 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.05 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари».
10.30

ФАЛАКНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Буюк ватандошимиз Аҳмад Ал-Фарғоний жаҳон фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломадир. У айниқса математик ва астроном сифатида кенг шуҳрат қозонган. Биз шарқшунос олима, филология фанлари доктори, профессор Фозила СУЛАЙМОНОВА билан суҳбатда бўлиб, Аҳмад Ал-Фарғонийнинг астрономия фани равнақига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

— Фарғоний яшаган тўққизинчи асрда Хорун Ар-Рашиднинг ўғли Маъмун Хоразмда ҳоким эди. У илмга қизиқувчан бўлгани учун кўплаб олимларни тўплаб, коинот ҳақидаги илмни ривожлантиришга даъват этади. Кейин у Хуросонга ноиб этиб тайинланади. Маъмун бу ерда ҳам фан аҳлини жамлаб, илм билан шуғулланувчи гуруҳ фаолиятини кенгайтиради. Шу аснода Фарғоний ҳам Хуросонга келиб, гуруҳга қўшилади. Маъмун Бағдодда халифалик тахтини эгаллагандан сўнг эса бу ерда "Байтул ҳикма", яъни илмлар уйини ташкил этиб, ўнлаб олимларни жалб қилади.

Унинг ташаббуси билан Дамашқдаги расадхона Бағдодга кўчирилади. Маъмун бу ерда катта обсерватория ҳам қурдиради. Асосий иш мана шу ерда давом эттирилади. Фарғоний шу расадхонанинг энг фаол ходими ва идора этувчиси бўлган. У бу ерда астрономияга оид бир нечта китоб ёзган. Уларнинг энг асосийси "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жамали илм ал-нужум" асари бўлиб, бу китобни ҳақли равишда жаҳон астрономия фанининг асоси дейиш мумкин. Бу асар ўша даврдаёқ Европада кенг ўрганилиб, ўн иккинчи асрнинг ўзида уч марта лотин тилига, ўн учинчи асрда эски испан тилига таржима қилинган. Чунки у пайтда соҳани ўрганишда қўлланиладиган ҳар хил асбоблар йўқ бўлгани учун, савдогарлар, сайёҳлар юлдузларга қараб манзилларни аниқлаганлар. Шунинг учун ҳам астрономияга оид китоблар уларга бу борада асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Фарғоний Птоломейнинг "Астрономиянинг буюк математик тузилиши" деб номланган асарини жуда пухта ўрганган ва

Аҳмад Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

ўзининг астрономияга оид машҳур китобини яратишда ундаги маълумотлардан фойдаланган. Фарғоний астроном, математик олим сифатида фан тараққиёти учун жуда катта хизмат қилган. У биринчи бўлиб Ғарбда яна бир қитъа мавжудлигини ҳисоб-китоблар, юлдузлар ҳаракатини ўрганиш йўли билан фараз этган, Экватордан Қутбгача бўлган масофани ҳисоблаб чиққан.

Фарғонийнинг юқорида номи зикр этилган китобини нафақат савдогарлару сайёҳлар, ҳатто Италия мумтоз ёзувчиси Данте ҳам яхши билган. Адиб энг буюк асари "Илоҳий комедия"ни ёзганда Фарғонийнинг фалакшуносликка бағишланган китобидаги маълумотлардан фойдаланган. Жумладан, турғун юлдузларнинг сонини ҳам ана шу асарга асосланиб кўрсатган.

"Илоҳий комедия"да бир қанча сайёралар, жумладан, Зуҳро, Сатурн, Меркурий юлдузлари тўғрисида сўз юритилиб, уларнинг ҳажми, Ерга нисбатан масофасига оид рақамлар ва уларга берилган таърифлар, самода жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар баён этилган. Табиийки, уларни таърифлашда Данте Фарғонийнинг астрономияга оид асаридан кенг фойдаланган.

Тарихдан маълумки, машҳур сайёҳ Христофор Колумб Ҳиндистонга йўл ахтариб сафарга чиқади. У ўша даврда ишланган бир харита асосида ҳаракат қилади. Харитани тузган Птоломей эса Ҳиндистонни Ғарбга жойлаб қўйган эди. Ўша асосида Колумб янги қитъага бориб қолади ва Ҳиндистонни топдим деб ўйлайди. Шу-шу маълум давргача иккита — "Жанубий" ва "Шимолий" Ҳиндистон мавжуд бўлиб туради.

Италиялик Америго Виспучи ҳам Колумб йўлидан юриб, ҳамюртти кашф этган қитъага бориб қолади. У кечаси юлдузларнинг жойлашишига боқиб, бу ер Данте таърифлаган атроф эканлигини эътироф этади. Анча аниқлашу текширувлардан сўнг бу ер Ҳиндистон эмас, балки мутлақо янги қитъа эканлиги исботланади. Шунинг учун ўша янги қитъани уни исботлаган киши номи билан Америка деб атай бошлашади. Бинобарин, Американинг очилишига Фарғонийнинг асари ҳам бирмунча сабаб бўлган, дейиш мумкин. Чунки Данте тунда атроф устида юлдузлар жойлашуви ва ҳаракати ҳақидаги маълумотни Фарғонийнинг китобидан олган эди. Демак, Американинг кашф этилишида буюк ватандошимиз Фарғонийнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган экан.

Суҳбатдош ЎзА мухбири Б. МАНСУРОВ.

Болалар ва ёз

"МЕҲРЖОН" ОҒУШИДА

ТОШКЕНТ денгизининг соҳилида жойлашган бу болалар оромгоҳининг таъриф-тавсифини ўрнига қўйиш қийин. Табиатининг гўзаллигини айтмайсизми? Енгинасида денгиз. Турфа гуллар, отилиб турган фавворалар бахри-дилингизни қулф урдиради. Ҳамма жойда саранжом-сарištалик. Йўллар, йўлкалар, ўйин майдонлари асфальтланган, ёғ тушса ялагудек. Бинолар ҳам нуқрадек, хоналари шинам қилиб безатилган, турли шиорлар ёзилган алвонлар болаларни табиатга меҳр билан муносабатда бўлишга даъват этади.

Муолажа хоналарида турли-туман тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилган. Оромгоҳга келган болалар мириқиб дам олиш қатори даволанадилар, турли касалликлардан фориғ бўладилар. Қисқаси, санаторий туридаги ҳушманзара оромгоҳда бунинг учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Тарбиячилар, шифокорлар, боғбонлар, ошпазлар улар хизматида.

Оромгоҳнинг исми жисмига жуда мос тушган. У айтарлик катта эмас. Ўринлар сони бор-йўғи уч юзта. Кейинги йилларда республикамизнинг экологияси бузилган минтақаларидан болалар тобора кўпроқ келмоқдалар. Жумладан, ҳар гал Хоразм, Қорақалпоғистондан 100 нафар бола қабул қилинмоқда.

Оромгоҳ 21 йилдан бери халқимизнинг ёш авлоди ихтиёрида. Бу ерда етти ёшдан ўспирин ёшгача бўлган ўғил-қизлар дам оладилар. Ҳозиргача оромбахш масканда салкам 20 минг бола бўлди. Ҳар йили минг нафар бола "Меҳржон" бағрига келмоқда.

Болаларнинг бўш вақтлари мазмунли бўлиши учун турли-туман маданий тадбирлар ўтказилади. Кинофильмлар кўрсатилади, дискотекалар, концертлар, спорт мусобақалари уюштирилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган танловда дам олаётган барча болалар фаол қатнашдилар. Танлов иштирокчиларига табиат муҳофазаси бўйича саволлар берилди. Кўпчилик бу соҳадан анча дуруст хабардор эканлигини намойиш этди. Ғолиблар Ўртачирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Экосан" бўлими ва "Соғлом авлод учун" туман бўлимининг фахрий ёрлиқлари, ҳомийлар таъсис этган қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

— Жамоамиз бу масканга дам олиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш учун келаётган фарзандларимизнинг ёзги таътили соз ўтиши учун ҳамма шароитларни муҳайё қилишга интилмоқда, — дейди оромгоҳда ўн йилдан ортиқ вақтдан бери узлуксиз раҳбарлик қилаётган Х. Турғунбоева. — У ўқувчиларнинг қишки ва ёзги таътиллари вақтида ҳам ишлайди. Бунинг учун маблағни касаба уюшмалари ва хўжалик ҳисобида ишлаётган оромгоҳимиз ажратади. Биз учун болаларнинг қувноқ, шодон кулгуси янграб турса кифоя. Бизга бундан катта мукофот йўқ.

А. ПШЕНИЧНОВ, Ўртачирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.
СУРАТЛАРДА: оромгоҳдан лавҳалар.

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

АНҚАРА. Шу йил октябрь ойида Туркия Республикаси тузилганига 75 йил тўлади. Шу муносабат билан Туркия футбол федерацияси мамлакатга жаҳон футболининг энг кўзга кўринган юлдузларини ҳамда ФИФАга аъзо мамлакатлар футбол федерациялари раҳбарларини таклиф қилажагини маълум қилди.

Байрам муносабати билан бу ерда Туркия ҳамда жаҳон терма жамоаларининг ўйинини ўтказиш режалаштирилмоқда. Маълум бўлишича, жаҳон терма жамоасини бўлажак ўйинга бразилиялик машҳур мураббий Карлос Алберто Перрейра тайёрлайди.

* * *

БРАЗИЛИЯ. Бразилия терма жамоасининг бош мураббийси Марио Загалло ҳамда унинг ёрдамчилари ўз лавозимларидан четлаштирилди. Маълум бўлишича, бу қарор М. Загалло-нинг Бразилия футбол конфедерацияси раҳбари Рикарду Тейшейра билан бўлган учрашувидан сўнг қабул қилинган.

Хабарларга қараганда, август ойи охирида терма жамоанинг янги мураббийси ва унинг ёрдамчилари номлари эълон қилинади.

ОСИЁНИНГ КУЧЛИ САМБОЧИЛАРИ – ТОШКЕНТДА

Мамлакатимиз илк бор қитъанинг энг кучли самбочиларини қабул қилмоқда. Тошкентга самбо кураши бўйича Осиё чемпионатига Мўғулистон, Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан икки юзга яқин спортчи келди. Бу чемпионатда Ўзбекистондан иккита команда иштирок этади.

МҲСК спорт мажмуида мусобақа очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан республика давлат спорт қўмитаси раиси Б. Махситов бу халқаро турнир янги номларни кашф этибгина қолмай, унда иштирок этаётган мамлакатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашишини, курашнинг бу тури мухлисларини янада кўпайтиришини таъкидлади.

Маросимда Тошкентнинг ижодий жамоалари иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

ЁШ СПОРТЧИЛАРГА МУКОФОТ

Олимпия шон-шуҳрати музейида шу йил 11 июлдан 19 июлга қадар Москвада ўтган биринчи жаҳон ўсмирлар ўйинларининг ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш маросими бўлди. Бу ўйинлар совринлари учун 135 мамлакатнинг 7 минг ёш спортчиси қаторида 110 нафар ўзбекистонлик ёш спортчи ҳам кураштди. Республикамиз терма командаси, АҚШ, Япония, Англия каби етакчи мамлакатларнинг командаларини ортда қолдириб, команда ҳисобида ўн учинчи ўринни эгаллади ва ўнта медални қўлга киритди.

Республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Б. Махситов ғолибларни табриклар экан, ёш спортчиларимизнинг Москвада ўтган кичик олимпиададаги ютуқлари республикамизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидангина эмас, шу билан бирга, спорт соҳасида ўринбосарлар тайёрлаш тизими самарали такомиллаштирилаётганидан ҳам далолат беришини таъкидлади.

Жаҳон ўсмирлар ўйинларида иштирок этиш ўзбекистонлик ёшларнинг спорт билан боғлиқ ҳаётида муҳим воқеа, уларнинг спорт маҳорати учун дастлабки имтиҳон бўлди.

Эркин кураш бўйича чемпион бўлган Дилшод Мансуров, кумуш совриндорлар Жаҳонгир Абдурахмонов, Савретдин Наврўзов ва Руслан Эргашевга "Халқаро тоифадаги спорт устаси" унвони берилди ҳамда улар қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Бошқа совриндорлар — Арзамац Жабиев, Хуршид Холдоров, Жамшид Саидов, Денис Здориков, Саида Бурхонхўжаева, Манзура Иноятова ва Луиза Биктяковага "Спорт устаси" унвони берилди.

Уимблдон турнирида жуфтликлар мусобақасида кумуш медал олган ва Москвадаги ўйинларда Луиза Биктякова билан биргаликда бронза медални қўлга киритган Ирода Тўлагановага "Халқаро тоифадаги спорт устаси" унвони берилди.

Ёш спортчиларнинг мураббийлари Маъмур Рўзиев, Владимир Каплан, Алексей Елхин, Икром Бурхонхўжаев ва Мурод Умаров қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Жаҳон ўсмирлар ўйинлари доирасида самбо, шахмат, кикбоксинг бўйича ҳам мусобақалар ўтказилди. Кикбоксинг мусобақасида Ўзбекистон терма командаси олтита медални олишга муваффақ бўлди. Александра Ким иккита олтин медал, Мансур Аҳмадбеков — кумуш медал олди, унинг укаси Ҳабиб эса, энг ёш иштирокчи Бекзод Жалолов билан биргаликда бронза медални қўлга киритди. Улар жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Францияда велоспорт бўйича чемпионатнинг тўртинчи босқичи ниҳоясига етди. Унда ўзбекистонлик велосипедчи Хушнуд Камолиддиновнинг ғалабаси кутилмаган воқеа бўлди: У Франция чемпионидан 11 секунд олдин маррага етиб келди. Республика "Соғлом авлод учун" жамғармаси раиси Гулнора Йўлдошева уни бу муваффақияти билан самимий табриклаб, велосипед ҳадя этди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кейинги пайтларда эришган муваффақиятлари учун республиканинг энг ёш шахматчиси Рустам Қосимжоновга квартира калитини совға қилди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев ғолиб ва совриндорларни самимий табриклади.

Спортчилар номидан Рустам Қосимжонов ва кичик олимпиаданинг ёш совриндори Бекзод Жалолов сўзга чиқди.

(ЎзА).

МАВЗУИ – СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Америка Қўшма Штатларидаги "Проктер энд Гэмбл" компанияси делегацияси аъзолари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига ташриф буюрди.

Жамғарма бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева мазкур нодавлат хайрия муассасаси фаолияти ҳақида сўзлар экан, мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол ва соғлом вояга етиши йўлида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди. У, жумладан, ёш авлоднинг шахсий гигиенага оид маълумотини ошириш борасида "Проктер энд Гэмбл" компанияси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётганини айтди.

"Проктер энд Гэмбл"нинг Туркия, Кавказ ва Марказий Осиё ҳудуди бўйича вице-президенти Вернер Гайслер ўз компанияси Ўзбекистон билан изчил, узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш ниятида эканини таъкидлади.

Учрашувда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва ушбу компания ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, хусусан, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида шахсий гигиена борасида соғломлаштириш дастурлари ижроси билан боғлиқ масалалар суҳбатнинг асосий мавзуси бўлди.

Учрашув сўнггида "Ҳамкорликда маърифий-соғломлаштириш дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги битим имзоланди.

(ЎзА).

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган хабарга қараганда, 1-5 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Момақалдироқ пайтида шамол кучайиб, тезлиги сонияда 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 18-23, кундуз кунлари эса 31-36 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 154-мактаб томонидан БЕКНАЗАРОВА Наргиза Шукуржоновна номига 1992 йилда берилган А-031024 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни жамоаси шу корхона ишчилари Майрамгул Мирзаева ва Рискибой Холиқовларга укаси **Тоштам ХОЛИҚОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сўраган эдингиз

Билиб ичсангиз, ҳосияти кўп

Қимизнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида кўп гапиришади, бу менда унга қизиқишни кучайтирди. Иложи бўлса шу ҳақда мақола беришингизни илтимос қиламан.
Мирхорис МИРЗААҲМЕДОВ, Тошкент шаҳри.

ҚИМИЗ бия сутини ачитиш натижасида ҳосил қилинадиган шифобахш ичимликдир. Қимиз ҳақидаги дастлабки маълумот бизнинг эрамиздан олдинги V асрда яшаган қадимий юнон тарихчиси Геродот томонидан ҳам тилга олинган. Бия, туя сутида бошқа сутларга нисбатан сут қанди (лактоза) кўп бўлганлиги учун тезда ачиб, қисман спирт ва кўпроқ нордон сут жавҳари ҳосил қилади ва шифобахш қимиз, кумрон ичимликларига айланади. Олимларимизнинг таъкидлашича, лактоза миқдори бия сутида 6 фоизгача, туя сутида 4,9, қўй сутида 4,6, эчки сутида 4,5 ва сигир сутида 4 фоизгача бўлади.

Қимиз бия сутидан ва бошқа чорва молларининг қаймоғи олинган сутидан тайёрланиши мумкин. Бия сутини сут кислотали бактериялари ва сут ачитқилари билан 26—28 С даражада бижғитиш йўли билан қимиз тайёрланади. Тайёр қимиздан спирт ҳиди ва тами келади, нордон бўлади. Унинг таркибида 2—2,5 фоиз оқсил, 1—2 фоиз ёғ, 3,5—4,8 фоиз қанд ва бошқа шифобахш неъматлар бор.

Бир килограмм қимизда 100—200 мг С витамини, А, Д, Е, Р ва В гуруҳ витаминлари, 400—600 мг фосфор ҳамда 800—1000 мг кальций мавжуд. Таркибида бир фоизгача спирт бўлган хом (бир кунлик), 1,75 фоизгача спирти бўлган ўртача (икки кунлик) ва 5,6 фоизгача спирти бўлган (кучли, уч кунлик) хиллари бўлади. Кучсиз қимиз таркибида 0,6—0,8 фоиз, ўртанчасида 0,8—1 фоиз, кучлигида 1—1,2 фоиз сут кислотаси бўлади. Қадимги Русда қимизни "сут виноси" деб бежиз айтмаганлар.

Олим ва шифокорларнинг маълумотига кўра, қимиз ўз навбатида кишининг юрак-қонтомирлари тизими фаолиятини яхшилайди, юракни бақувватлаштиради, қоннинг таркибий қисмига ва қон ишлаб чиқаришга яхши таъсир қилади ҳамда қизил ва оқ қон таначаларининг кўпайишига ёрдам беради, қон босимини кўтаради.

Қимиз, айниқса, сил касаллигини даволашда яхши воситадир. Бундан ташқари, миокард инфаркти, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яллиғланиши, цинга, нафас олиш йўллари, ич кетиш, гастрит, камқонлик, дармонсизликни ва бошқа касалликларни даволашда яхши натижа беради. Қимиз иштаҳа очади, танада модда алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади, яранинг тузалишини тезлаштириб, ошқозонда шира ажралишини тартибга солади, овқатнинг ҳазм бўлишини осонлаштиради.

Кейинги йиллар Ўзбекистонда ҳам қимиз билан даволаш йўлга қўйиляпти. Масалан, Пахталиқўл, Чимён ва бошқа санаторийларда шундай қилиняпти.

Қимиз қайси ҳудудда тайёрланмасин (тоғда, чўлда, адирда) ўзига хос услуби мавжуд бўлиб, бу ҳам унинг сифатига ва шифобахш хосиятига таъсирини ўтказади.

Мақоламизнинг сўнгида биз олимларимизнинг кузатишлари, тажрибалари, исботларига асосланиб, маслаҳат сифатида сизларга қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:

Қимизни қимиз экан, деб шифокор маслаҳатисиз бетартиб ва меёрсиз, ҳохлаган вақтда ва кўп ичиш тавсия этилмайди.

Қувватсизлик оқибатида ориқлаб кетганда, кам қонликда, ақлий ва жисмоний меҳнатдан толиққанда, чарчаганда, юқумли касалликлар, жаррохликдан сўнг кўп қон йўқотганда бир кун мобайнида 1—2 литр қимизни оз-оз миқдорда овқатланиш оралиғида ичилиши тавсия этилади. Юрак пороги, гипертония, иситмалаганда, меъда ширасининг кислоталиги ортиқча бўлганлар учун бу ичимлик зararлидир.

Буйрак ва жигар шамоллаши билан боғлиқ хасталикларда, семириб кетишда, никриз (подагра) ва қанд касаллигида қимиз шифокор маслаҳати билан ичилиши лозим. Болаларга ҳар куни овқат олдидан озроқ ичириш жуда фойдали бўлиб, уларнинг иштаҳаларини очиб, тетиклаштиради. Ичакка инфекция тушиши ва заҳарланишининг олдини олиш мақсадида қимиз, фақат, пастеризация қилиб тайёрланиши лозим, яъни 63—65 С даражада 30 дақиқа иситилади, лекин, қайнаб кетишига йўл қўйилмайди. Иштаҳани очиш билан бирга овқат ҳазм бўлишини осонлаштиради.

Қисқаси, қимиз бебаҳо шифобахш неъмат, уни кўпайтириш, тиббиётда кенг қўллаш, тўғри ва тез-тез истеъмол қилиб туриш узоқ-умр ҳамда баркамол саломатлик гаровидир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –18.00. 1 2 3 4 5 6